Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 2 ноябрь 1973 йил, жума ◆ № 259 (15.733). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ТАСС АХБОРОТИ

«КОСМОС-605» ПАРВОЗДА

1973 йил 31 октябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-605» учирилди.

Биологик тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган йўлдошга жонивор ва бошқа биологик объектлар солинган лабораториялар, шунингдек уларнинг қай аҳволда эканлигини кузатиб туриш учун мўлжалланган илмий аппаратлардан иборат тажриба системаси ўрнатилган.

Учиш давомида космик парвознинг жонли организмга таъсирини тадқиқ этиш, шунингдек биологик объектларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган системаларни синаб кўриш юзасидан тадқиқотлар давом эттирилади.

Йўлдош қуйидаги параметрларда орбитага чиқарилди:

— дастлабки айланиш даври — 90,7 минут;

— Ер сатҳидан максимал йироқлиги (апогейда) — 424 километр;

— Ер сатҳидан минимал узоқлиги (перигейда) — 221 километр;

— орбитанинг оғиши 62,8 градус.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радио система приборлар ҳамда илмий аппаратларнинг ишн тўғрисидаги маълумотларни Ерга бериб турадиган радиотелеметрик аппаратлар бор.

Йўлдошда ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди, координациялаш-ҳисоблаш марказн олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Германия Федератив Республикаси федерал канцлерининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Вальтер Шеель Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан 31 октябрда Москвага келди.

Германия Федератив Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида В. Шеелни ва унга ҳамроҳ бўлган кишиларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

А. А. Громико В. Шеель билан учрашди

1 ноябрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри В. Шеель ўртасида музокаралар бошланди. В. Шеель Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Москвага келган.

Халқаро вазиятнинг Совет Иттифоқи билан ГФРни қизиқтирувчи актуал проблемалари, шунингдек икки томонлама муносабатларга доир масалалар ҳамжиҳатлик руҳида кўриб чиқилди.

(ТАСС).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ БИРЛАШГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА

1973 йил 30 октябрдан 1 ноябргача Чехословакия Социалистик Республикасида, Прагада Бирлашган қуролли кучлар Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский раислигида Бирлашган қуролли кучлар ҳарбий кенгашининг навбатдаги мажлиси ва Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар армиялари раҳбар составининг кенгаши ўтказилди.

Ҳарбий кенгашда ва раҳбар состав кенгашида 1973 йилда Бирлашган қуролли кучлар оператив ва жанговар тайёргарлигининг якунлари чиқарилди, 1974 йилнинг вазифалари муҳокама қилинди ва белгиланди. Мажлис ва кенгаш қатнашчилари Бирлашган қуролли кучларининг шартномада қатнашувчи давлатлари қизиқтирувчи жорий фаолияти масалалари хусусида фикрлашиб олдилар.

Қардош армиялар ҳарбий кенгаши ва раҳбар составининг кенгаши дўстлик, амалий ҳамкорлик ва ўртоқларча ҳамжиҳатлик вазиятида утди.

Ҳарбий кенгашга ва кенгаш қатнашчиларига Чехословакия Халқ армияси қўшинларининг тайёргарлигига доир машқ тадбирлари кўрсатилди.

ЮКСАК МУКОФОТ

СССР Олий Совети Президиуми тинчлик учун курашдаги актив ижтимоий фаолияти, Совет — Куба дўстлигини мустаҳкамлаш ишига қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда туғилганига 75 йил тўлганлиги муносабати билан Куба тинчлик ва халқаро суверенитети ҳаракатининг раиси **Хуан Мариньело Видаурретни Октябрь Революцияси ордени** билан мукофотланди.

БИР ГРАММ ҲАМ ПАХТА НОБУД БЎЛМАСИН!

ХАЛҚ МАОРИФИ—БУТУН ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII пленуми «КПСС XXIV съездининг қарорлари асосида халқ маорифини янада такомиллаштириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари»ни кенг муҳокама қилди. Шу муҳим масала юзасидан қабул қилинган қарорда халқ маорифимизнинг ёрқин истиқболлари белгилаб берилди. Айни чоғда партия ва совет органларининг, министрликлар ва идораларнинг халқ маорифига раҳбарлик қилиш фаолиятида ҳали ҳам камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Маълумки, В. И. Ленин маориф ишига партия раҳбарлигини таъминлаш гоят муҳим эканлигини алоҳида уқтириб ўтган эди. Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати доимий васиятларига амал қилиб, мамлакатда халқ маорифини янада юксалтиришга асосий диққат-эътиборини қаратмоқда ва бу тўғрида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. Халқ маорифи соҳасида эришилаётган ютуқлар мамлакатимизнинг миллий республикаларида, шу жумладан, Ўзбекистон ССРда ҳам яққол кўзга ташланяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII пленуми қарорида таъкидлаб ўтилганидек халқ маорифи бўғинларини комплекс ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган кенг программасини амалга ошириш йўлида Ўзбекистонда катта ишлар қилинди. Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида ишлаб турган меҳнаткашларнинг 66 проценти олий, тўлиқ ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга. Республикамизда 290 мингдан зиёд олий ва 350 мингдан ортиқ ўрта махсус маълумотли мутахассис кадрлар ишлаб турибди. Кейинги ўн йилнинг ўзидагина бундай мутахассисларнинг сони қарийб икки ярим баравар ортди.

«Инсоннинг ўзини ҳар томонлама камолотга етказмай туриб, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига Ҳисобот докладида, — коммунизм қурилишидек буюк ишни олға силжитиш мумкин эмас. Тегишли моддий-техника базасини вужудга келтирмай туриб, коммунизм қуриш мумкин бўлмаганидек, кишиларнинг маданияти, билими, ижтимоий онгини юксак даражага кўтармай туриб, уларни маънавий камолотга етказмай туриб коммунизм қуриш ҳам мумкин эмас». Демак, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида халқ маорифи олдида катта вазифалар турибди. Бу ишнинг муваффақиятли ҳал этилиши пленум қарорида ҳам кўрсатиб ўтилганидек, партия ва совет ташкилотларининг халқ маорифи органларига ва ўқув юртларига раҳбарлик қилишни кучайтиришига боғлиқдир.

Республикамизда йилдан-йилга мактабгача тарбия болалар муассасалари кўпайиб, уларда олиб борилаётган ишлар тубдан яхшиланмоқда, мактаблар, билим юртлари ва техникумларда, олий ўқув даргоҳларида таълим-тарбиянинг даражаси кўтарилиб, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб боряпти. Шу билан бирга, бу соҳада ҳали камчиликлар бор. Энг аввало, барча мактабгача тарбия муассасаларида болаларни тарбиялаш ва уларни ўқишга тайёрлаш сифатини оширишга, бундай кичкинтойлар масканлари сонини кўпайтириш ва уларни кенгайтиришнинг бутун имкониятларидан фойдаланишга эришиш керак. Бу муҳим вазифалар бевосита оталиқ ташкилотлари кенг жамоатчилигининг фаол иштироки ва доимий ёрдами туфайли муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Мактаб ёшларга табиат ва жамият қонунлари тўғрисида пухта ва чуқур билим беришга, уларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга, эл-юрт олдида юксак масъулиятни сезиш туйғусини уларга сингдиришга, ўқувчиларни коллективизм, социалистик ватанга садоқат руҳида тарбиялашга даъват этилган. Таълим-тарбиянинг бу муҳим соҳаларини янада такомиллаштириш ва яхшилашда мактаб партия ташкилотлари авангардлик ва ташкилотчилик ролини ўйнамоғи даркор.

Биринчи синфларга қабул қилиш, куни узайтирилган группалар ва мактаблар қошидаги интернатларга ўқувчиларни жалб этиш планларини бажариш, 1-8-синфлардан ўқувчиларнинг кетиб қолишларига бир синфда икки йил қолишларига чек қўйиш, политехника таълими меҳнат тарбияси ва касб-ҳунар танлаш ишларини янада жонлантириб юбориш, ишчи ёшларнинг кечки (сменали) ва сиртқи мактаблари ишини тубдан яхшилаш — буларнинг ҳаммаси умумий ўрта таълимнинг муваффақиятини таъминловчи муҳим омилдардир.

Умумий ўрта таълим вазифаларини ҳал этишда кечки (сменали) мактаблар муайян роль ўйнаши пленум қарорида ҳам ўз ифодасини топди. Республикамиз маорифчилари кечки (сменали) мактаб ишларини ташкил этишда бирмунча тажриба орттирган. «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш» заводлари, Марғилон ипак комбинати, Чирчиқ электр-химия комбинати ва бошқа бир қанча корхоналар кечки мактабларга оталиқ ёрдамини кўрсатиб келмоқдалар. Лекин ҳамма жойда ҳам иш ана шундай кўнгилдагидек йўлга қўйилган деб бўлмайди. Бундай мактабларда таълим-тарбия ишлари сифатини кескин яхшилашда, ўқувчиларнинг билимлари кундузги мактаб ўқувчиларникидан қолишмайдиган бўлишида оталиқ корхоналар партия ташкилотлари алоҳида роль ўйнамоғи лозим.

Халқ маорифининг тарқибий қисми бўлган ҳунар-техника таълими системаси зиммасига ёшлардан халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари учун малакали ишчилар тайёрлаб бериш масъулиятли вазифа топширилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII пленуми қарорида ҳунар-техника таълими системасида ёш ишчиларни тайёрлаш ортиб бораётган ҳаёт талабларидан орқада қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Шонли ишчи синфининг муносиб ворисларини тайёрлаш ва тарбиялаш ишларини кучайтириш барча ишлаб чиқаётган ёш мутахассислардан тўғри фойдаланиш муҳим вазифадир.

Ҳаёт олий мактаб профессор ва ўқитувчиларидан студентларга пухта ва мустаҳкам билим беришни замон талабларига мос етук мутахассислар тайёрлаш ва уларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини тубдан яхшилашни тақозо этяпти. Буннинг учун ўқув даргоҳлари партия ташкилотлари маъмурият фсолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқидан тўлиқроқ фойдаланиши, таълим, илмий ва тарбиявий ишлар планларининг амалга оширилиши учун коммунистларнинг барча ўқитувчиларнинг масъулиятини кучайтириши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XII пленуми область, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига халқ маорифи органларига ва ўқув юртларига раҳбарликни яхшилаш вазифасини юклаган экан, унинг сўзсиз бажарилишига эришиш лозим. Халқ маорифини янада ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш ва бу соҳага хар тарафлама ёрдам бериш — бутун жамоатчиликнинг жонажон ишидир.

МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

ТРАНСПОРТЧИЛАР ЮТУҒИ

БУХОРО, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли областлараро автомобиль трестининг 18- автобазаси коллективи беш йилликнинг учинчи йили планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Уч йил мобайнида 9 миллион 617 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилди.

Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши — Бухоро нп газлама комбинатида ишлаётган ҳайдовчиларнинг колонналари айниқса катта меҳнат ғалабаларига эришдилар. Ярим прицеп самосваллар ва катта майдонлардан фойдаланиш ҳисобига муваффақиятга эришилди, автопаридан фойдаланиш коэффициенти ҳам ортди.

Автобазада беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган социалистик мусобақа тобора кенг авж олиб бормоқда. Бу ерда ҳар ўн кунлигида мусобақа якунлари чиқарилиб, илғорларга ёрлиқлар ва пул мукофотлари берилиб турилди.

Виктор Ежков, Талъат Сибгатуллин, Саид Шарипов, Константий Паршин ва бошқа шофёрлар Улуғ Октябрнинг 56 йиллигини шаҳсий беш йиллик топшириқларини бажариш билан кутиб олмоқдалар.

ҚИШЛОҚ ҚУРУВЧИЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

ТЕРМИЗ, Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиш министрлигига қарашли 11- трест коллективи учинчи квартал якунига кўра Бутуниттифоқ мусобақасининг голиби бўлди. Қишлоқ қурилиши министрлиги билан Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи иккинчи марта шу коллективга топширилди.

Қурувчилар беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида зўр ғайрат би н меҳнат қилмоқдалар. Улар ўтган кварталда пландан ташқари 200 минг сўмлик иш бажардилар. Ҳозир эса улар октябрь олди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, янги ғалабага эришдилар, уй-жойларни ишга тушириш тўрт йиллик планини бажардилар. Шеробод чўлқуварлари беш йиллик бошидан буён улардан қарийб 85 минг квадрат метр уй-жой қабул қилиб олдилар.



Андижон область Жалолқудуқ районидаги Ленин номли колхознинг социалистик мажбуриятни ошириб бажарилишида механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Колхознинг «зангори кема» капитанлари етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини машиналар билан териб олишмоқда. Механизаторлар ўртасида бошланган социалистик мусобақада Олимжон Нуров пешқадамлик қиляпти. У пахта яхши очилган пайтларда кунига «Ўзбекистон» маркали машина бункеридан 20 тоннагача дур тўкган бўлса, шу кунларда 2—3 тоннадан пахта теришга эришмоқда. Суратда: механизатор О. Нуров машина рулида.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

ТЕРМИЗ, 1 ноябрь. (ЎзТАГ). Бугун Термизда Сурхондарё области чорвадорларидан катта бир группасига СССР орденлари ва медаллари топширилди. Улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ҳамда 1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда меҳнат шижоати кўрсатганликлари учун шу орден ва медаллар билан мукофотланган эдилар.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов топширди. У илғор чорвадорларни самимий қутлаб, уларга меҳнатда янги муваффақиятлар тилади.

«Бойсун» совхозининг бош чўпони Ш. Шукуров ва мукофотланган бошқа кишилар чорвадорлар тўғрисида қилинаётган кундалик ғамхўрлик учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига ташаккур билдирдилар.

4.850 МИНГ ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида
1973 йил 1 ноябрга бўлган маълумот
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада: бир кунда	мавсум бошидан
СИРДАРЁ	0,54	118,96	0,10	135,35
АНДИЖОН	0,25	113,23	0,40	134,53
ТОШКЕНТ	0,37	110,83	0,16	114,11
ҚАШҚАДАРЁ	0,44	110,41	0,83	101,39
СУРХОНДАРЁ	0,46	109,26	0,34	106,03
НАМАНГАН	0,47	106,25	0,37	147,25
САМАРҚАНД	0,89	103,59	0,26	133,32*
ФАРҒОНА	0,48	103,36	0,97	119,39
ҚҚАССР	0,37	101,14	0,20	104,56
ХОРАЗМ	0,55	100,79	0,74	95,80
Бухоро	0,42	84,87	0,83	92,61
Республика бўйича:	0,48	105,72	0,43	118,69
Шу жумладан янгичка толали пахта:				
Қашқадарё	1,74	95,79		
Сурхондарё	0,73	95,67		
Бухоро	0,70	37,40		
Республика бўйича:	0,98	91,08		

*) Маълумот аниқланган.

УКРАИН ТИЛИДА

КИЕВ, 31 октябрь. (ТАСС мухбири). Украина сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг «КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсати тўғрисида»ги нутқ ва мақолалари тўпламини украин тилида босмадан чиқарди.

ПАХТА ТЕРИМИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахта териш ва давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1973 йил октябрь ойи учинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Қизил Байроғини **Самарқанд областида** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Қодиров**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳамроқулов**, область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жамолдинов**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Мухтдинов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Розиқов**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Аракелов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Шодиева**) қолдиришга қарор қилинди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 103,59 процент, машина терими планини 133,32 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 16,68 процент, машина теримининг 12,98 процент ўсишини таъминлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Хоразм областига** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Худойберганов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Эшчонов**, область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Сатторов**, совхозлар бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Исмонлов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Бекмбетов**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Йўлдошев**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ёқубов**) беришга қарор қилинди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 100,79 процент, машина терими планини 95,8 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 14,56 процент, машина теримининг 22,17 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Қорақалпоғистон АССРдан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Самарқанд областининг **Жомбой районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳасанов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Файзиев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Боймаматов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Жалилов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Алиқулова**) беришга қарор қилинди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 100,4 процент, машина терими планини 138 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 21,47 процент, машина теримининг 20,21 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Самарқанд областининг Булунғур районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Самарқанд областининг **Каттақўрғон районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ражабов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шукуров**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Зокиров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Тен**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Зувайдуллаев**) беришга қарор қилинди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 96,9 процент, машина терими планини 122,93 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 19,37 процент, машина теримининг 14,69 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Сирдарё областининг Боёвут районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Қашқадарё областининг **Косон районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Самадов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тўлаганов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Асроров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Орзиқулов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Эшонқулов**) беришга қарор қилинди. Бу район пахтанинг янгичка толали навларини тайёрлаш йиллик планини 89,22 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 14,92 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Сурхондарё областининг Термиз районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Сирдарё области Ильич районидаги **Узоқов номли қўриқ совхозга** (совхоз директори ўртоқ **Эрназаров**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Абдусандов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Мирсоатов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Тошбоев**) беришга қарор қилинди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 88,84 процент, машина терими планини 127,93 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 20,77 процент, машина теримининг 16,5 процент ўсишини таъминлаган. Байроқ Сирдарё область Ильич районидаги Титов номли совхоздан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини Самарқанд область, Пастдарғом районидаги **К. Маркс номли колхозда** (правление раиси ўртоқ **Юсупов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Нортоев**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Умурзоқов**) қолдиришга қарор қилинди. Бу колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 137,72 процент, машина терими планини 175,5 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашнинг 26,62 процент, машина теримининг 36,2 процент ўсишини таъминлаган.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Оқдарё районининг меҳнатчилари Ватан омборларига 40 минг тонна «оқ олтин» элтиб бериб, давлатга пахта топшириш юзасидан олган топшириқларини муваффақиятли уддаладилар. Район механизаторлари пахта териш агрегатларининг бункеридан 21 минг тоннадан ортиқ ёки бутун ҳосилнинг 52 процентини тўкиб машина терими планини 135 процент қилиб бажардилар.

К. Маркс номли, «Москва», «Коммунист» колхозлари, «Даҳбет» совхози халқ хўжалик планини районда биринчи бўлиб бажариб, зиммаларига олган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Район пахтакорлари ялпи пахта теримини 45 минг тоннага етказиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

* * *

Қўшкўпир районининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари пахта топшириш халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажардилар. Тайёрлов пунктларига 46 минг тонна пахта жўнатилди. Ҳар гектар ердан 34 центнердан пахта териб олинди. Пахта териш машиналарининг бункеридан давлатга топширилган пахтанинг 52 проценти тўкилди. Ҳар бир машинада ўрта ҳисобда 103 тоннага етказиб пахта терилди.

Районнинг 8 колхози халқ хўжалик планини бажариб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта топширишни давом эттирмоқдалар.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари яна 4 минг тонна пахта топширишни белгилаб қўйдилар.

* * *

Шуманай районининг деҳқонлари халқ хўжалик плани ҳисобига пахта топширишни тамомладилар. Тайёрлов пунктлари район хўжаликларидан 24 минг тонна пахта қабул қилиб олди. 14 минг тоннадан ортиқ пахтани териб берган механизаторлар планнинг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар. Бу ялпи ҳосилнинг 60 процентини ташкил этади.

Далаларда етиштирилган ҳосилни териб олиш ва топшириш бўйича қизғин иш давом этмоқда. Район пахтакорлари яна беш минг тонна пахта топширишни белгиламоқдалар. Бир вақтнинг ўзида ерларни шудгорлаш ва келаси йил ҳосили учун асос яратиш юзасидан бошқа кузги-қишки ишларни кенг авж олдириб юбордилар.

* * *

Тўртқўл районининг пахтакорлари халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажардилар. Тайёрлов пунктлари 61,3 минг тонна пахта қабул қилиб олди. Шундан 25 минг тоннадан ортиғини машина бункеридан тўкилган пахта ташкил этади. Ҳар гектар ердан ҳозиргача 36 центнердан пахта териб олинди

М. Горький номли, «Қирққиз-обод», «Намуна», «Коммунизм», «Победа», Охунбобоев номли колхозлар, «Қирққиз» совхози катта муваффақиятларга эришдилар.

Район меҳнатчилари Ватанга 70 минг тонна «оқ олтин» бериш юзасидан зиммаларига қабул қилган социалистик мажбуриятини — бажариш учун кураш олиб бормоқдалар.

* * *

Хатирчи районининг пахтакорлари деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажардилар. Тайёрлов пунктларига 47 минг тонна пахта элтиб берилди. Тайёрланган пахтанинг 90 процентдан ортиғи биринчи сортларга топширилди. Топширилган пахтанинг 60 процентини машиналарда териб олинди.

Чкалов номли, «Партия XXII съезди», «Москва», «Ўзбекистон», Киров номли, К. Маркс номли колхозларнинг, «Зарафшон» совхозининг коллективлари ҳар гектар ердан 30-35 центнердан пахта териб олиб, социалистик мусобақада яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Район меҳнатчилари 51 минг тонна «оқ олтин» териб олиш учун кураш олиб бормоқдалар.

* * *

Самарқанд районининг деҳқонлари тайёрлов пунктларига 3,8 минг тоннадан ортиқ пахта элтиб бериб, давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар. Машинада пахта териш плани 142 процент қилиб бажарилди.

Район меҳнатчилари пахта териш ва давлатга топширишни давом эттиришмоқдалар. Улар давлатга яна 500 тонна пахта сотишни мўлжаллаб қўйдилар. Бир вақтнинг ўзида кузги-қишки тадбирларни амалга оширишга юзасидан бажариладиган ишлар авж олдириб юборилди.

* * *

Булунғур районининг пахтакорлари беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида халқ хўжалик планининг бажарилишини муваффақиятли уддаладилар. Район хўжаликлари тайёрлов пунктларига 15 минг тоннадан ортиқ пахта элтиб бердилар. Машинада пахта териш плани 120 процент қилиб бажарилди. Ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 105 тоннадан пахта териб олинди.

«Октябрь», «Правда Востока» колхозлари районнинг меҳнат галабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район меҳнатчилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб пландан ташқари яна 2 минг тонна пахта топширишни белгилаб қўйдилар.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар республика — ҳурмат тахтасига ёзиладилар:

Самарқанд райони — район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Бўронов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Олчинбоев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Ли**, «Ўзсельхозтехника» райони бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Моисеенко**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Раҳматуллаев**.

Булунғур райони — район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Хўжақулов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Омонбоева** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Шоҳўжаев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Вожжин**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Турсунова**.

Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

Термиз райони — район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Чориев**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Назарова**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Саъдуллаев**. «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Мусаев**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Мамакулов**.

Янгиариқ райони — район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Матқаримов**, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ **Шанияз**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Матёқубов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Ўртоқ **Юсупов**, район комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Хўжаев**.

ПАРАД ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШИ

1 ноябрда Кремлдаги Съездлар саройида Москва гарнизони қўшинларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 56 йиллигига бағишлаб Қизил майдонда ўтказиладиган ҳарбий парад қатнашчиларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ленин орденли Москва ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник В. Л. Говоров очди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси яқдилик билан йиғилишнинг фахрий президиумига сайланади.

Москва ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг аъзоси — сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-полковник К. С. Грушевой Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари армия генерали С. Л. Соколов иштирок этди.

Ўтказиладиган ҳарбий парад қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми гўштни қайта ишлаш саноатидаги узоқ йиллик бенуқсон иши, ишлаб чиқариш жараёнларини, меҳнат шароитларини, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқиб, жорий этишда актив қатнашганлиги учун Тошкент гўшт комбинати механика цехининг токари Иван Федорович **Захаровга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми прокуратура органларидаги узоқ йиллик, самарали иши ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш соҳасидаги хизматлари учун Тошкент область прокурорининг катта ёрдамчиси Али Усмонович **Акчурин**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвонини берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика телевидение санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети «Ўзбектелефильм» студиясининг бадиий раҳбари, директори Ғани Турсунович **Расуловга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонини берди.


* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада телевидение санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети «Ўзбектелефильм» студиясининг режиссёри Ҳожимурод Исроилович **Иброҳимов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонини берди.

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР — ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ! КУЧ ИШЛАТМАСЛИК ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҚОНУНИ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА, ЯДРО ҚУРОЛИНИНГ ЭСА АБАДИЙ ТАҚИҚЛАНИШИГА ЭРИШИНГИЗ! БАТАМОМ ВА ЯЛПИ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН, ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН КУРАШИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).



Болгариянинг Шимолий-ғарбий қисмида жойлашган Козлодуй шаҳри яқинида мамлакатнинг биринчи атом электр станцияси бунёд этилмоқда. Станциянинг ҳамма жиҳозлари Совет Иттифоқида тайёрланиб, унда совет мутахассислари болгар дўстларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Суратда: Болгарияда қурилаётган атом электр станцияси бир қисмининг кўриниши.

БТА — ТАСС фотоси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ПРАГА.** Бу ерда ЧССР федерал мажлиси халқ палатаси билан миллатлар палатасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Ҳар иккала палата депутатлари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини, ЧССР билан МХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманн, шунингдек, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бирлашган қуролли кучлари бошқармаларн штабларининг ва бошқа органларнинг ҳуқуқий қобилияти, имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги шартноманн яқдиллик билан маъқулладилар.

● **НЬЮ-ЙОРК.** БМТ Бош комитети «Хавфсизлик Кенгашининг 340-резолюциясига мувофиқ тузилган БМТ фавқулодда кучларини маблағ билан таъминлаш» деган модданн XXVIII сессиянинг кун тартибига киритишни БМТ Бош Ассамблеясига тавсия қилиш ҳақида яқдиллик билан қарор чиқарди. Бу масаланн Бош Ассамблея кун тартибига киритишни шубҳа остига қолдирган битта делегат, у ҳам Хитой Халқ Республикасининг вакили бўлди.

● **БЕРЛИН.** 30—31 октябрда Берлинда Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия ташқи ишлар министрлари ўринбосарларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда томонларни қизиқтирувчи масалалар муҳокама қилинди. Кенгаш фикрларнинг тамомила бирлигини кўрсатувчи саммий дўстона вазиятда ўтди.

Кенгаш иштирокчиларини ГДР Министрлар Советининг раиси Х. Зиндерман қабул қилди.

◆ **ПЕКИН.** Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, Австралия бош министри ва ташқи ишлар министри Э. Г. Уитлем визит билан бу ерга келди.

(ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА МИННАТДОРЧИЛИК

БАЙРУТ, 1 ноябрь. (ТАСС). Кеча Ливаннинг «АН-Нидо» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Араб мамлакатлари халқлари араблар учун оғир бўлган бир пайтда ўзини арабларнинг содиқ дўсти эканлигини кўрсатган улуғ социалистик давлат — Совет Иттифоқига самимий миннатдорчилик изҳор қилади.

Газета таъкидлаб ўтадики, «Исроил империалистик агрессиясига қарши курашда Миср ни қўллаб-қувватлаган СССР-дан ва бошқа социалистик мамлакатлардан ҳарбий қатнашчилар мурдаси.

Уларни ҳарбийлар ва қарабинерларнинг патруллари кечалари

ПАРИЖ МЕТРОСИДАГИ ҲОДИСА

ПАРИЖ. Париж метросининг «Луи блан» станцияси яқинида икки поезд тўқнашганлиги натижасида ўн тўққиз йўловчи эс-ҳушидан айрилди. Маневр қилиб юрган бўш поезд аста-секин юриб келаётган пассажир поездига урилиб кетди. Метрополитен маъмурияти вакилининг айтишича, машинистлардан бири светофорнинг қизил сигналини пайқамаганлиги натижасида ана шу тўқнашув содир бўлди. (ТАСС).

КАТТА ҚИЗИҚИШ

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг тинчликсевар кучларнинг Жаҳон конгрессида сўзлаган нутқини бутун дунёда кенг муҳокама қилиш давом этмоқда ва бу тўғрида жуда кўп шарҳлар ёзилмоқда.

● СОФИЯ. Болгариядаги ҳафталик «Экономическая жизнь» газетаси бундай деб ёзади: КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг тинчликсевар кучларнинг Жаҳон конгрессида сўзлаган нутқи тинчлик учун курашда Совет Иттифоқи тинимсиз куч сарфлаётганлигини, ялпи тинчлик ишига Совет Иттифоқининг муттасил содиқлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далил бўлди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг нутқи — халқаро тинчликни ва ҳамкорликни таъминлашнинг кенг миқёсдаги программасидир, деб таъкидлайди газета.

Ҳозирги вақтда халқлар ва давлат арбоблари олдида турган тинчлик проблемаларини ўртоқ Л. И. Брежнев осойишталик, донишмандлик, самимият ва зўр ишонч билан чуқур ва тўғри анализ қилиб берди, деб ёзади «Народна младеж» газетаси. Бу нутқ қўйилган масалаларнинг ҳаммасига аниқ жавоб берибгина қолмасдан, шу билан бирга бу масалаларни тинч ҳал қилишнинг тўғри йўлини ҳам кўрсатиб берди.

● БЕРЛИН. Газеталарнинг редакцияларига, радио ва телевидениега ҳамда ғаетган мактубларда Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг тинчликсевар кучларнинг Москвадаги Жаҳон конгашида сўзлаган нутқида чиқарилган хулосаларни ва қўйилган вазифаларни тўла-тўкис қувватлаётганликларини айтиб, ер куррасида тинчлик ва хавфсизлик йўлида олиб борилаётган курашда доимий жонбозлик қилаётган КПССга чуқур ташаккур изҳор этмоқдалар. «Ленининг сулҳ тўғрисидаги декрети эълон қилинган вақтдан бери, — деди Цвикқау шаҳридаги олий инженерлик мактаби тадқиқотлар секциясининг директори Э. Лаш, — Совет Иттифоқи ўз халқининг манфаатларинигина эмас, шу билан бирга бутун инсониятнинг манфаатларини ҳам кўзлаб тинчликни сақлаб қолиш учун КПССнинг доно раҳбарлигида ҳар доим курашиб келаётганлигини ва мана шу олиҳиммат ишда барча кишиларнинг катта ҳурматига сазовор бўлганлигини бу нутқ яна бир марта яққол кўрсатди».

● ПРАГА. «Лидова демократие» газетаси ўзининг шарҳларида уқтириб ёзадики, Л. И. Брежнев халқаро аҳволни кенг анализ қилиб берди. У кескинликни юмшатиш ва халқлар ўртасида тинч муносабатларни ривожлантириш учун олиб бораётган курашда эришилган муваффақиятларни яқунлаб берди. Кучларнинг нисбати тинчлик тарафдорлари фойдасига ўзгарганлиги бу жуда яхши тенденциянинг ҳал қилувчи омили эканлигини КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ҳақли равишда қайд қилиб ўтди ва «совуқ урушни» «совуқ тинчлик» билан алмаштириш керак деган даъволарни қатъиян рад этди.

Л. И. Брежневнинг руҳлантирувчи нутқини конгресс делегатлари жуда ҳурсанд бўлиб кутиб олишди, деб ёзади «Лидова демократие» газетаси. Унинг нутқи тинчликсевар кучлар фронтини тагин ҳам кўпроқ жипслаштиришга ва кенгайтиришга ёрдам беради.

● БРЮССЕЛЬ. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг нутқи тинчлик тафдирни учун катта аҳамиятга эга, деб ёзади, Бельгиядаги «Метрополь» газетаси. Совет давлати ўзининг тинчлик сиёсатини давом эттириш ниятида эканлигини ўз раҳбарининг тили билан айтди.

«Пепель» газетаси жумладан бундай деб ёзади: «Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол яроғларни қисқартириш тўғрисида Венада музокаралар бошланиш арафасида Л. И. Брежнев Совет Иттифоқи бу соҳада 1975 йилнинг ўзидаёқ реал қадамлар қўйишга тайёр эканлигини айтиб ғарб мамлакатларига муҳим таклиф қилди.

● КОПЕНГАГЕН. Данияннинг кўзга кўринган жамоат ва сиёсий арбоби, радикаль сўл партиянинг халқаро комиссияси раиси, ҳозирги вақтда конгрессда қатнашаётган Хермод Ланнунг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг конгрессдаги нутқи катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. Тинчлик ўз-ўзидан келмайди, уни давлатларнинг сиёсий партиялари ва жамоат ташкилотларининг ҳормай-толмай қаттиқ кураш олиб бориш натижасидагина вужудга келтириш мумкин, деб Л. И. Брежнев уқтириб ўтган фикрни мен алоҳида қайд қилмоқчиман, деди Данияннинг сиёсий арбоби.

● АНТАНАНАРИВУ. Малагасиннинг «Имунгу Ваувау» газетаси «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ялпи тинчликни мустаҳкамлашни талаб қилмоқда» ва унинг нутқи «Яқин Шарқ проблемасини шу райондаги халқларнинг бахт-саодатини кўзлаб, тубли равишда ҳал этилишидан ва умуман халқаро кескинликни юмшатилишидан СССР астойдил манфаатдор эканлигини кўрсатиб турибди» деб таъкидламоқда.

«Араб халқларининг мустақиллик ва ўзларининг қонуний ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашини Совет Иттифоқи батамом қўллаб-қувватлаётганлигини КПСС раҳбари яна бир марта таъкидлади, деб ёзади газета. У ўз озодлиги учун курашаётган халқларнинг энг яхши дўстидир». (ТАСС).

РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТИНИНГ ЧОРАЛАРИ

ҚОБУЛ. Афғонистон республика ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш халқ турмуш даражасини кўтариш мақсадларида амалий чоралар кўрмоқда.

Кейинги вақтларда бу ерда эълон қилинган бир қанча фармойишларга мувофиқ энг зарур маҳсулотлар, шу жумладан нон нархи пасайтирилган. Ишчилар учун минимум иш ҳақи белгиланган, иш ҳафтасининг давомати тартибга солинган.

Катта ёшдаги аҳоли орасида савдосотиққа қарши кураш мақсадларида мамлакатда шу социал ишларни тугатиш билан шуғулланувчи миллий бошқарма тузилган.

Ҳукумат подшо режимидан мерос эски маъмурий аппаратни қайта тузишга каттагина эътибор бермоқда. Коррупция ва пора-хўрликка қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Давлат муассасаларидаги ишларга малакали ёш кадрлар тобора кўпроқ жалб қилинмоқда. Шу муносабат билан «Ал-Жумҳурия» газетаси мамлакат зиёлиларн ва ватанпарвар кучларини янги ҳаёт қурилиши ишига ўз ҳиссаларини қўшишга даъват этди. (ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

◆ БЕЛГРАД, 1 ноябрь. (ТАСС). Эфиопия императори Хайле Селассие I кеча Белграддан жўнаб кетди. У Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти И. Броз Титонинг таклифига биноан Югославияга борган эди. Белград аэродромида уни Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти И. Броз Тито узатиб қолди.

Икки мамлакатнинг давлат арбоблари визит чоғида Яқин Шарқдаги аҳвол тўғрисида, блокларга қўшилмаган мамлакатлар давлат бошлиқларининг Жазоир конференциясидан сўнг блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг роли ва фаолияти ҳақида фикрлашиб олдилар.

Улар Югославия билан Эфиопия ўртасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан музокаралар олиб бордилар.

ОШИРИЛГАН ТАЙЁРГАРЛИК БЕКОР ҚИЛИНДИ

ВАШИНГТОН, 1 ноябрь. (ТАСС). Қўшма Штатлар кеча ўз қуролли кучларининг, шу жумладан Европада жойлаштирилган қуролли кучларининг оширилган тайёргарлик ҳолатини бекор қилди. Маълумки, Америка қуролли кучларининг тайёрлигини ҳеч бир асоссиз ошириш жорий қилинганлиги бутун дунёда газаб тўлқинини кучайтирган ва кескинликни юмшатишга асло ёрдам бермайдиган бир қадам деб баҳоланган эди.

Шу билан бирга, АҚШ Мудофаа министрлигининг расмий вакили Америка 6-флотининг Ўрта денгизда турган шахсий составн Яқин Шарқдаги уруш ҳаракатлари бошланган пайтда эълон қилинган тайёрлик ҳолатида қолаверишини айтди.

ВЕНАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

ВЕНА, 1 ноябрь. (ТАСС). Марказий Европадаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги музокараларда кеча Совет делегациясининг бошлиғи О. Н. Хлестов сўзга чиқди.

Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларда кескинлик юмшай бошлаганлиги хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Умумевропа кенгаши чақирилганлигида ўз ифодасини топди. Совет Иттифоқининг фикрича, Европадаги мустаҳкам хавфсизликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, бу қитъадаги сиёсий кескинликни юмшатиш ҳарбий кескинликни юмшатиш борасидаги тадбирлар билан тўлдирилиши лозим. Музокараларимизнинг мақсади ана шундан иборат, деб биламиз.

Европадаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш проблемаси тўғрисидаги Совет Иттифоқининг фикри КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг тинчликсевар кучларнинг Москвадаги Жаҳон конгрессида 26 октябрь куни сўзлаган нутқида баён этиб берилганлигини Совет делегациясининг бошлиғи эслатиб ўтди. Л. И. Брежнев уқтириб айтганидек, Совет Иттифоқи эндиликда Марказий Европанинг муайян районида шу музокараларда қатнашаётган давлатларнинг ҳам ажнабий, ҳам миллий қуруқликдаги ва ҳарбий-ҳаво кучларини қисқартириш тўғрисида келишиб олиш лозим, деб ҳисоблайди. Бунда томонлар биронтасининг ҳам хавфсизлигига зарар етказилмаслиги ва улардан биронтаси бошқалар ҳисобига бир томонлама манфаат кўрмаслиги керак. Чамаси, ядро қуроли билан таъминланган қисмлар ҳам қисқартирилиши лозимлигини эътироф қилиш ҳам зарур.

Бундай қисқартиришни қандай ўтказиш лозим, қайси метолни — баб-баравар процент улуши кўрсаткичида ёки баббаравар миқдор кўрсаткичида қисқартириш кераклиги тўғрисида музокара қатнашчилари келишиб олишлари керак. Визнинг фикримизча, келажакдаги қисқартириш Марказий Европада ва умуман Европа қисмида қуролларнинг тарқиб топган нисбатини бузмаслиги муҳимдир.

Қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартиришнинг ўзига қанчалик тез киришиш мумкин эканлиги хусусида ҳам Венада бир битимга келиш лозим. Совет Иттифоқи бу ишга 1975 йилдаёқ реал равишда киришишга тайёр бўлиши мумкин. Яқин вақт ичида бу хусусида конкрет фикр чиқарилса бўлади. Бу битим Европадаги сиёсий вазиятни соғломлаштириш йўлида қўйилган янги қадам бўлур эди, бу қитъада ишонч, холис ният ва тинч ҳамкорлик муҳитини қарор топтиришга ёрдам бериши шубҳасиз.

ИШЧИЛАР СИНФИГА ҚАРШИ

◆ СТОКГОЛЬМ, 31 октябрь. (ТАСС). Швециядаги «Дагенс нюхетер» газетасининг Чилидаги собиқ мухбири Б. Сурандернинг кўрган-кечирганлари тўғрисида ҳикояси шу газетада «Чилининг минглаб ишчилари тазйиқ қилинмоқда», деган сарлавҳа остида босилиб чиқди.

Ҳозирги вақтда, деб ёзади Б. Сурандер, хунта ишчилар синфига асосий зарбани бермоқда. Сантьягодаги кембағаллар турадиган маҳаллаларнинг кўчаларида ҳар кун эрталаб ўликлар пайдо бўлиб қолади. Булар азоблаб ўлдирилган Чили ишчиларининг

ўлдириб, ҳамма кўрадиган жойларда, масалан, автобуслар тўхтайдиган жойларда «бошқаларни қўрқитиш мақсадида» қолдириб кетадилар. Б. Сурандер Чили корхоналаридан бирининг ишчиси бўлган халқ бирлиги ҳукумати даврида касаба союз ишида актив қатнашганлиги учунгина полиция участкасида йиртқичларча қийноққа солинган Рауль Гомеснинг айтган гапларини ўзининг мақолласида келтиради.

◆ БУЭНОС-АЙРЕС, 31 октябрь. (ТАСС). Хунта бошлиғи генерал Пиночет мамлакатда синфий кураш кучайиб бораётганлиги тўғрисидаги ҳақиқатни яширишга интилиб, телевидение орқали сўзлаган нутқида «ишчи деган сўзни ишлатиш тақиқлансин» деб буйруқ берди. Эндиликда, расмий мурожаатда «жисмоний меҳнат ходими» деган термин ишлатиладиган бўлди. Лекин бу сўзни ишлатишни тақиқлаб қўйиш мумкин-у, аммо ишчилар синфининг ва синфий курашнинг реал мавжудлигини йўқ қилишга ҳеч ким муваффақ бўлолган эмас, демоқда, сиёсий кузатувчилар.

◆ ЛОНДОН, 31 октябрь. (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партияси Англия меҳнаткашларини Чили халқининг ҳарбий диктатурага қарши курашини ҳормай-толмай қувватлашга даъват этмоқда.

Буюк Британия Коммунистик партиясининг «Чили Халқ бирлиги билан бирдамлик» деган брошорасида, Чили халқи генералларга бутун воситалар билан қаршилик кўрсатмоқда ва у ёрдамга мухтож, дейилади. Фашистлар хунтаси, дейилади брошюрада, халқ бирлиги ҳукумати даврида қўлга киритилган муваффақиятлардан Чили ишчилар синфини маҳрум этишга, касаба союзларини, демократик ташкилотларни ва сиёсий партияларни йўқ қилишга уринмоқда.

Брошюрада айтиладики, ҳарбий тўнтаришнинг мақсади демократик эркинликларни йўқ қилишдир ва Чилида чет эл монополияларининг, маҳаллий капиталистлар ва помешчикларнинг ҳукмронлигини яна ўрнатишдир. Брошюрада Чили Коммунистик партиясининг озодлик ва демократия учун олиб бораётган кураши тўғрисида ҳикоя қилинади.

МАРДЛАР ДАЛАСИДА

«Совет Ўзбекистони» йўлланмаси билан

Олтин қишдан, зумрад баҳордан
Қолишмайди кузнинг зийнати...

Куз ўз зийнатини кўз-кўз қилиб, сепини ёйиб, ўлкамизга ўзгача чирой, ўзгача барака киритяпти.

Боғларда дарахтларнинг барги олтинранг олган шу кунларда чўлни гулистонга айлантириш учун меҳнат қилаётган, сувсиз даштда катта хирмон кўтариш тараддудида меҳнат қилаётган азамат Қашқадарё областининг пахтакорлари, чорвадорлари, асрий даштда хазина қидириб, газ ва нефть конлари кўзини очаётган, она-Ватан бойлигига бойлик қўшиш учун табиатнинг ҳар қандай шароитларида ҳам тинмай изланаётган геологлар, газчилар ҳузурида бўлдик, улар билан бир неча кун суҳбатлашдик, қизиқарли гурунгларида иштирок этдик.

Областнинг қайси ерига борманг, ким билан суҳбатлашманг тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини шараф билан бажариш учун катта ишлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Қашқадарё области—республикамизнинг келажакда жуда катта пахтачилик базасига, Қарши чўли эса иккинчи Фарғонага айланади. Буни асрий биёбонда бўлганимизда ўз кўзимиз билан кўрдик, қалбдан ҳис этдик.

Шу йил биринчи июнда чўлнинг қоқ марказида жойлашган 4- насос станцияси каскадида жуда катта тантана бўлиб ўтди. Бундай катта тантанани дашт тарихи кўрмаган бўлса, ажаб эмас. Бу катта йиғин Қарши магистрал каналининг чап тармоғи — Ульянов каналига Амударё сувини оқизишга бағишланди. Амударё сувини поғонама-поғона 132 метр баландликка кўтариб берадиган олтита ноёб ва қудратли насос станцияларининг тўрттаси ишга туширилди ва 105 километр масофага чўзилган Ульянов каналига қадимий Жайхун суви оқизилди. Шундай қилиб, Амударё суви областнинг чўлда ташкил топган кенжа Ульянов райони экинзорларига етиб келди, минг-минглаб гектар қақраб ётган бўз ерларга ҳаёт бағишлади. Ана шу қақроқ майдонларда чечаклар яшнади, деҳқоннинг юзига табассум югурди. Ульянов районининг бир неча хўжалиги Амударё сувидан баҳраманд бўла бошлади.

Даштга сув етаклаб келадиган асосий сув йўли Қарши магистрал канали бўйлаб қурилаётган олтита ноёб насос станцияларининг ҳар бирида олтитадан қудратли насослар ўрнатилади. Ҳар бир насос 40 куб метр сувни 20-22 метр баландликка кўтариб бериш қувватига эга. Демак, ҳар бир насос станцияси чўлга секундига 240 куб метр сувни етказиб бера олади.

Қарши даштини ўзлаштиришдек улуғвор ишларда бутун мамлакатимиз иштирок этяпти, деб баралла айтиш мумкин. Чунки, мамлакатимизнинг турли саноат марказларидан турли асбоблар, қурилиш материаллари чўлдаги қурилишларга келиб турипти. Кўплаб саноат корхоналари Қарши дашти қурувчилари томонидан берилаётган буюртмаларни биринчи галда бажариб жўнатмоқдалар.

Даштда қисқа муддат ичида шаҳар типидаги бир неча посёлкалар қад ростлади. Таллимаржон, Дўстлик, Нишон шаҳарчалари дашт кўксида яшнаб турипти. Янгидан қурилаётган совхоз посёлкалари кундан-кунга жадал қуриляпти. Замонавий турар-жой, маданий-маиший, ишлаб чиқариш бинолари бунёд этиляпти.

Даштда дастлаб ташкил топган Чўли Бегимқулов номли совхоз ишчилари бу йил баҳорда 1000 гектар майдонни тахтлаб ,экин экдилар. Сув йўлларини шайлаш, даштга обиҳаёт чиқариш бирмунча қийин бўлди. Лекин, областнинг турли районларидан келган деҳқонлар бир ёқадан бош чиқариб, барча қийинчиликларни енгдилар, мураккаб вазифаларни муваффақият билан уддаладилар. Улар салкам 600 гектар майдонда мўл пахта ҳосили етиштиришга эришдилар.

Бу чўлда амалга ошириладиган жуда катта ишларнинг бошланиши, холос. Бу улкан, уфқларга туташиб кетган текисликда 1,5 миллион гектарга яқин унумдор ерлар қақраб ётипти. Яқин келажакда ана шу майдонларга сув чиқарилади, чўл боғ-роғларга, чинакам хазинага айлантирилади. Даштда юзлаб совхозлар ташкил этилади. Ўнлаб районлар тузилади. Фақат келаси йилнинг бошида даштда бир неча совхоз ташкил топади.

Область партия комитетининг секретари Маҳмуджон Худойқулов Зарафшон дарёсидан Қашқа воҳасига сув етаклаб келадиган Эски Анҳор каналининг янги ўзани қурилишини завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб берди. Сув ишқи, яратиш ишқи ана шу ҳикоядан яққол кўриниб турипти. 1954—1955 йилларда қадимий Манас ариғи ўзанидан Эски Анҳор канали қазилиб, Зарафшондан сув оқизилган эди. Эски Анҳор канали қазилмасдан туриб область бўйича 50 минг тонна атрофида пахта етиштирилиб келинар эди. Канал ишга туширилганидан сўнг областда 140 минг тонна пахта етиштирилди. Кейинги йилларда йирик Чимқўрғон ва Пачкамар сув ҳавзалари қурилди. Бир неча кичик-кичик сув омборлари ва кўллар барпо этилиб, баҳорда оби-ҳаёт жамғариб экинзорларга оқизилди. Шундай қилиб, ўтган йили область пахтакорлари 343 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, бошқа деҳқончилик экинлари ҳам беқиёс ривожлантирилди.

Эски Анҳор каналини янги ўзандан оқизиш, қиш ва баҳор ойларида каналдан оққан сувни Чимқўрғон сув ҳавзасида жамғариш, шу билан сув омборидан тўла қувват билан фойдаланиш проблемаси ўртага ташланди, эскисига қараганда 62 километрга яқин бўлган Эски Анҳор каналининг янги ўзани қурилиб битказилди. Канал қурилиши 2,5 ,йилга мўлжалланган эди. Канал бир йил ичида қуриб битказилди. Каналнинг аксари қисмн бетон билан қопланганлиги учун сув исроф бўлмайди. Демак, эски ўзанга қараганда ҳар йили ўртача 70 миллион куб метр сув тежаб қолинади. Шунча миқдордаги сув билан 10 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиш мумкин экан.

Яқин келажакда Қарши чўлидан ташқари Чироқчи, Қамаши, Яккабоғ, Китоб ва Шаҳрисабз районларини сув билан янада тўлароқ таъминлаш мақсадида бир неча сув ҳавзалари қуриб битказилади, янги каналлар чиқарилади. Қашқадарёнинг минг-минглаб гектар майдонларида пахтазорлар вужудга келтирилади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига ва хулосаларига қараганда, Қарши даштидан ташқари Ўрта ва Юқори Қашқадарёнинг қақраб ётган массивларига сув чиқарилиб ўзлаштирилса, бир миллион тонна пахта етиштириш мумкин экан. Янги ерларни ўзлаштиришга кетган сарф-харажат 2,5 йилда бемалол қопланиб кетади.

Демак, областда ҳали очилмаган «олтин сандиқ»лар беҳисоб, унинг истиқболи катта. Қақраб ётган массивларда бойликлар яшириниб ётипти. Ирригаторлар кўмагида деҳқон, механизатор ана шу бойликларнинг кўзини очяпти.

Минг йиллик муаммо ечилди бу тонг,
Бу тонг нурафшондир ҳар уй, ҳар хона.
Жаҳон минбаридан одамлар қаранг—
Қарши саҳросида байрам—тантана.
Тарихнинг орзуси ушалди бугун,
Хушхабар: сув келди Қарши даштига!
Ел чопар адирдан-адирга дуркун,
Бир сурур қўшилди баҳор шаштига.
Уфқ этагида камалак—шиор
Қуёш тепасида чарх урар шу зум.
Кўкламнинг сафига-саф қўшди баҳор,
Сени улуғлаймиз, юртдош азизим!..

...Область пахтакорлари халқ хўжалиги планини ошириб бажардилар. «Оқ олтин» ижодкорлари қабул пунктларига етказиб берган пахта 300 минг тоннадан ошди. Пахтакорлар бу йилги жазирама иссиқ ва гармселга қарамай, далаларда баракали меҳнат қилганликлари натижасида мўл ҳосил етиштирилди. Қашқадарёлик деҳқонлар меҳнатидан олтин тоғлар қад ростлаяпти. Пахтакорлар бу йил 400 минг тонналик пахта хирмони бунёд этиш учун курашмоқдалар. Далаларда минг-минглаб қишлоқ аҳли, шаҳарлик ҳашарчилар меҳнат қиляпти, терим машиналари, кўрак терадиган, чувийдиган агрегатлар тўла қувват билан ишлатиляпти. Пайкалларда меҳнаткашлар катта кўтаринкилик билан меҳнат қиляптилар. Биз буни Қарши, Ғузор, Косон ва Китоб районларида бўлганимизда аниқ ҳис қилдик.

Яккабоғ, Ғузор, Шаҳрисабз, Қарши, Қамаши, Ульянов ва Китоб районларининг пахтакорлари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йили учун белгиланган халқ хўжалиги планини ошириб бажаришга эришдилар. Бу районларнинг пахтакорлари мажбурият ҳисобига пахта топширяптилар. Бу районларда ҳам ҳал қилувчи участкаларда малакали кишилар, ишбилармон коммунистлар меҳнат қилаётганлигини билдиришди.

Китоб райони пахтакорлари бундан бир неча йил муқаддам илгари дон экилиб келинган Макрид массивини ўзлаштиришни бошлаб юборган эдилар. Массивни ўзлаштиришда ўша пайтда Китоб район партия комитетининг биринчи секретари лавозимида ишлаб турган, ҳозир Сурхондарё область ижроия комитетининг раиси, техника фанлари кандидати Абдувоҳид Каримов ташаббускор бўлган. Массивга сув чиқариш, экинларни жойлаштириш, йўллар қуриш, ҳаммаси шу кишининг режалари асосида амалга оширилган.

Массивни асфальт йўлда айланиб чиқиш мумкин. Зарафшон тизма тоғлари этакларигача чўзилиб кетган Макрид массивида бўлган киши ўзини чинакам пахта денгизига тушиб қолгандек ҳис этади. Бу ерда ўндан ортиқ намунали дала шийпонлари қурилган. Ҳар шийпон олдида артезиан қудуқлар пармаланиб, ширин ичимлик сув чиқарилган, яқиндагина пахта пункти қурилиб, ишга туширилди. Макридлик пахтакорлар бу ерда қурилган нимаики яхши нарса бўлса, Абдувоҳид Каримов номи билан боғлашар, унинг номини фахр билан тилга олишар экан. «Яхшидан от қолади» деганларидек, халқ учун жон койитиб, халқнинг қалбига кириб ишлаган кишиларни ҳеч ким ҳеч қачон унутмайди.

Китоб район партия комитетининг секретари Қиём Бурхонов Макрид массивининг истиқболи тўғрисида, район пахтакорларининг режалари ҳақида гапириб берди, илғор пахтакорларни тилга олди.

Қашқадарёлик деҳқонлар матонат ва мардлик билан меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Улар бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлаш, далаларда етиштирилган оппоқ олтинимизнинг бир мисқоли ҳам нес-нобуд бўлишига, ёғин-сочинли кунларга қолиб кетишига йўл қўймаслик учун баракали меҳнат қиляптилар. Улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақият билан уддалаш, ўз сўзлари устидан чиқиш учун курашмоқдалар.

Биз Қашқадарё билан хайрлашар эканмиз, кечқурун Қашқадарё ва Самарқанд областлари оралиғида чегара бўлиб узала тушган Зарафшон тизма тоғлари чўққиларидан Қашқа воҳасига кўз ташладик. Пастда шундоққина тоғ ёнбағрида қурилган. «Мингчинор» дам олиш зонасининг неон чироқларига ҳамоҳанг бўлиб сон-саноқсиз чироқлар порлаб турарди. Биз истиқболи нурли воҳадан бир дунё таассуротлар билан қайтдик.

УЙҒУН,
Ўзбекистон ССР халқ шоири,
Зоҳиджон ОБИДОВ,
Мавлон ИКРОМ,
Октябрь, 1973 й.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 1 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун—районлар, иккинчи стун — жами тайёрланган пахта, учинчи стун — шу жумладан машинада терилган пахта.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Мирзачўл	132,78	131,73
Дўстлик	126,38	128,67
Янгиер	126,22	132,32
Жиззах	123,91	183,52
Пахтакор	123,38	128,83
Октябрь	119,42	118,30
Боёвут	117,65	154,72
Ворошилов	116,33	155,53
Оқолтин	116,29	118,71
Ильич	115,81	141,43
Сирдарё	110,87	131,48
Гулистон	105,32	143,34
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Ленин	124,58	110,50
Пахтаобод	120,53	153,76
Избоскан	120,16	131,97
Жалолқудуқ	118,46	148,40
Қўрғонтепа	117,29	130,90
Хўжаобод	116,42	120,89
Марҳамат	115,75	130,83
Бўз	109,14	160,54
Андижон	107,17	107,55
Балиқчи	103,64	140,05
Москва	101,78	135,49
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Оққўрғон	121,37	124,15
Юқори Чирчиқ	113,54	115,81
Бекобод	111,32	115,82
Бўка	111,02	113,04
Пискент	107,67	103,55
Чиноз	105,64	118,37
Янгийўл	105,55	111,05
Ўрта Чирчиқ	102,32	102,64
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Қарши	123,83	215,43
Ғузор	122,05	111,02
Шаҳрисабз	115,83	101,98
Яккабоғ	113,31	108,70
Қамаши	110,30	113,17
Ульянов	109,22	98,03
Китоб	103,23	29,77
Косон	98,86	105,42
Чироқчи	95,47	45,90
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Шўрчи	114,50	119,79
Сариосиё	111,62	106,82
Жарқўрғон	111,47	96,45
Шеробод	108,42	100,65
Денов	106,73	108,17
Гагарин	105,97	111,71
Термиз	102,94	77,56
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Чуст	114,10	142,19
Янгиқўрғон	112,69	126,75
Задарё	107,75	111,57
Учқўрғон	107,23	187,22
Поп	106,65	128,83
Норин	105,82	209,79
Тўрақўрғон	104,63	131,07
Уйчи	100,69	156,69
Наманган	94,00	149,96
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Пахтачи	115,41	149,17
Пастдарғом	109,11	131,75
Нарпай	109,07	142,41
Иштихон	108,60	166,78
Хатирчи	104,64	135,64
Оқдарё	103,24	135,95
Булунғур	103,04	119,20
Самарқанд	102,06	142,20
Жомбой	100,40	138,00
Каттақўрғон	96,90	122,93
Пайариқ	92,13	98,95
Ғаллаорол	83,06	60,16
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Фарғона	114,66	115,60
Киров	113,88	122,41
Ленинград	111,54	117,97
Ўзбекистон	110,54	108,93
Қува	103,52	129,61
Фрунзе	102,05	134,49
Охунбобоев	100,24	125,92
Тошлоқ	100,11	133,38
Қувасой шаҳри	99,06	85,95
Риштон	96,76	118,34
Бағдод	87,47	106,08
Олтиариқ	86,68	98,11
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Хўжайли	119,24	173,80
Қўнғирот	111,30	101,93
Ленинообд	105,57	112,17
Нукус	105,07	98,78
Шуманай	103,60	89,76
Кегайли	103,06	103,08
Тўрткўл	101,34	103,19
Беруний	100,67	100,74
Чимбой	96,80	103,86
Амударё	93,07	102,00
Тахтакўпир	87,35	81,03
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Боғот	108,38	106,02
Янгиариқ	104,81	91,33
Қўшкўпир	101,90	92,74
Урганч	100,36	98,62
Гурлан	99,57	94,72
Ҳазорасп	97,28	92,95
Шовот	97,17	102,21
Хива	94,87	92,22
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Бухоро шаҳри	112,26	111,00
Вобкент	95,97	120,34
Ромитан	92,70	88,88
Бухоро	90,57	89,29
Навоий	89,78	94,19
Шофиркон	83,97	82,96
Қизилтепа	82,26	93,05
Свердлов	80,56	88,28
Коғон	78,79	86,86
Ғиждувон	76,67	118,76
Қоракўл	75,36	88,21

П А Х Т А Н О Б У Д Б Ў Л М А С И Н

ГРАММЛАР ҚАДРИ

Мардлар майдони — пахтазорда меҳнат ҳамон авжида. Азамат қишлоқ меҳнаткашлари билан ёнма-ён ҳиммати баланд ҳашарчилар ҳам «оқ олтин»нинг сўнгги граммигача йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатишяпти. Айниқса, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда Совет Иттифоқи пахтакор республикалари партия-хўжалик активи йиғилишида иштирок этиши ва сермазмун нутқи Ўзбекистон меҳнат аҳлини янги зафарлар сари руҳлантириб юборди. Шу кеча-кундузда қайси хўжаликда бўлманг, албатта,ана шу кўтаринки руҳ, ғайрат-шижоат ва ташаббус эвазига қўлга киритилаётган янги ютуқларни кўрасиз.

Пахта — ризқ-рўзимиз, шон-шуҳратимиз, дейди халқимиз. Ҳақ гап. Пахтадан нималар олиниши хусусида тўхталиб ўтирмаса ҳам бўлади. Пешона тери билан етиштирилган «оқ олтин»ни нес-нобудсиз, сўнгги граммигача йиғиб-териб олиш қанчалик муҳим эканлиги ҳар бир меҳнат аҳлига яхши аён. Ноннинг увоғи ҳам нон дейдилар. Пахта ҳам шундай. Унинг ҳар бир чаноғи, ерга тўкилган ҳар бир грамми пахта.

Республикамизнинг аксарият хўжаликларида «оқ олтин»га ана шундай муносабатда бўлинмоқда. Унинг исроф бўлишига, тупроққа қоришиб кетишига йўл қўймаслик тадбирлари кўриляпти. Ўз-ўзидан маълумки, бундай хўжаликлар мусобақада пешқадамлик қилиб, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлашмоқда.

Бироқ, йиғим-терим ҳамма жойда ҳам юксак талаблар даражасида уюштирилган, деб бўлмайди. Кейинги пайтда баъзи хўжаликларда хотиржамликка берилиш кайфияти сезилмоқда. Оқибат-натижада ерга тўкилган пахта исроф бўлмоқда. Меҳнат интизомига риоя қилинмаяпти. Қорамолларни пахтазорга ёйиб юбориш ҳоллари учраяпти. Пахтани тайёрлов пунктларига юбориш устидан қатъий назорат ўрнатилмаган.

Ўзбекистон ССР прокуратураси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлаш пунктларининг 1973 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, жойларда «оқ олтин»нинг нес-нобуд қилинишига қарши курашни янада кучайтириш ҳақида қўшимча кўрсатма берди. Бу ишни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш учун барча областлар ва Қорақалпоғистон АССРга республика прокуратурасининг коллегия аъзолари ва масъул ходимлари юборилди.

Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, Сирдарё, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона ва бошқа областларда ҳосилни йиғиб-териб олиш ва уни тайёрлов пунктларига юборишда пахтанинг нес-нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Айниқса, Сирдарё областининг Гулистон, Сирдарё районларида, Самарқанд, Андижон, Наманган областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг айрим колхоз ва совхозларида ҳосил исроф бўляпти. Гулистон районидаги «Мирзачўл» совхозининг бешинчи бригада бошлиғи У. Мустафоқулов нинг ишга совуққонлик билан қараганлиги оқибатида қирқ килограмм пахта нес-нобуд бўлган. Ҳозир унинг устидан жиноий иш қўзғатилган. Шу райондаги «Москва» совхозининг биринчи бўлимида эса эгатларга тўкилган пахтани йиғиб-териб олиш кунгилдагидек ташкил этилмаган.

Ўз масъулиятига совуққонлик билан қараш ҳолларини бошқа областларнинг айрим хўжаликлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Фарғона областидаги «Комсомол» совхозининг бешинчи далачилик бригадасида бригадир М. Ҳакимовнинг айби билан машина теримидан кейин ерга тўкилган пахта ўз вақтида йиғиб-териб олинмаган. Натижада 63 гектар майдонда уч тоннадан ортиқ ҳосил нобуд бўлган. Айбдор устидан жиноий иш қўзғатилди.

Бундай мисолларни давлатга пахта сотиш планини бажарган айрим хўжаликларда ҳам учратиш мумкин. Ҳамма ўзининг ўрнини пахтазорда деб билган бир чоғда баъзи колхоз ва совхозларда ишга яроқли кишилар ўзини умумхалқ ҳашаридан четга олиб қочаётганлиги кечириб бўлмас ҳолдир. Колхоз правлениелари, совхоз директорлари меҳнат интизомини бузаётган ва ишга кечикиб чиқаётганларга қарши қатъий кураш олиб бормаётирлар. Масалан, Гулистон районидаги К. Маркс номли колхознинг учинчи бригадасида 18 октябрь куни 20 киши ўрнига йиғим-теримда ўн тўрт колхозчи иштирок этган. Бундай ачинарли аҳвол «Мирзачўл», «Москва» совхозларидаги қатор бригадаларда ва райондаги бошқа хўжаликларида ҳам қайд этиляпти. «Мирзачўл» совхозининг биринчи бўлимида йиғим-теримга ажратилган 425 киши ўрнига бор-йўғи 225 ишчи қатнашмоқда. Натижада бўлим ҳар куни графикка кўра ўттиз тонна ўрнига 15 тонна пахта топширяпти.

Сирдарё районидаги «Правда» колхозида ҳам меҳнат интизоми бўшашиб кетган. Бу хўжаликда ишга кечикиб чиқувчиларга қарши қатъий чора кўрилмаяпти. 19 октябрь куни 12-бригадада (бригадир Э. Дониёров) текширув ўтказилди. Аниқланишича, меҳнат нотўғри ташкил этилганлиги туфайли бешта кўсак териш машинаси бир соатдан ортиқ вақт бўш турган.

Фарғона областининг Риштон районидаги К. Маркс номли колхозда, Охунбобоев районидаги «Ўзбекистон», «Правда» колхозларида, Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозининг учинчи бўлими 4- далачилик бригадасида ҳам меҳнат интизомига яхши риоя қилинмаяпти. Бироқ, мазкур хўжалик раҳбарлари бу масалани йиғилишларда кўриб чиқиб, унинг олдини олиш тадбирларини белгилаётирлар.

Ғўзани ҳосилга киритгунга қадар бободеҳқонларимиз не-не қийинчиликларни бошдан кечиришмади. Уни кўз қорачиғидек табиат офатларидан сақлашди. Бироқ, кўпчиликнинг ана шу самарали меҳнати эвазига етиштирилган мўл ҳосилни оёқ ости қилаётган, пахтани қорамолларга ем қилдираётган шахслар ҳам орамизда йўқ эмас. 11-15 октябрь кунлари Ўрта Чирчиқ районидаги К. Маркс номли, Энгельс номли, Киров номли колхозларда, Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон», «Правда» колхозларида, Чиноз районидаги С.Раҳимов номли колхозда, «Партия XXIV съезди» совхозида текшириш ўтказилганда пахта далаларини қорамоллар пайхон қилиб юрганига гувоҳ бўлинди. Чиноз районидаги С. Раҳимов номли колхоздан Ш. Мунавваров, «Партия XXIV съезди» совхозидан Б. Жумановларга тегишли қорамоллар кўплаб пахта майдонини пайҳон қилиб юборган. Бундай ҳолларда айрим областларда қорамол эгаларига нисбатан қатъий чора кўрилмаяпти. Масалан, Бухоро область Коғон районидаги «Убачўли» қишлоқ Совети ижроия комитети қарорига кўра, қорамоллари пахтага зарар келтиргани учун беш кишига 50 сўмдан жарима солинган эди. Бу жарима айбдорлардан ундириб олинмади, улар жазосиз қолавердилар.

Баъзи қишлоқ Советлари ижроия комитетлари қорамолларни пахтазорларга ҳайдаб юборган шахсларга нисбатан қатъий чора кўрмаётирлар, келишувчиликка йўл қўймоқдалар. Масалан, Хумданак, Хуман, Қорали (Свердлов райони), Қоракўл, Жумабозор, Зиёрат (Қоракўл райони) қишлоқ Советлари 1973 йил мобайнида бирорта ҳам шахсга жарима солмаган. Фақат уларни огоҳлантириш билан чегараланган, холос. Прокуратура органлари С. Давлатова (Амударё районидаги М. Горький номли совхоз ишчиси), Ш. Оллаёров (Иштихон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхози аъзоси), М. Абдуғаниева (Ленин районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси) каби кишиларнинг қорамоллари ҳосилга катта зарар етказганлиги учун уларни жиноий жавобгарликка тортишга мажбур бўлдилар. Косон районидаги «Косон» совхози бригадири Т. Жумаев устидан ҳам жиноий иш қўзғатилган.

Тайёрлов пунктлари томон ҳамон карвонлар оқими давом этяпти. Лекин айрим хўжаликларда терилган пахтанинг тайёрлов пунктларига жўнатилиши устидан назорат қилишга етарли эътибор берилмаяпти. Сирдарё, Самарқанд ва бошқа областларнинг айрим хўжаликларида пахта тайёрлов пунктларига накладной бўйича жўнатилади, лекин унда оғирлиги кўрсатилмайди. Жамоатчилик сигналига кўра, 17 октябрь куни Нарпай район прокуратураси «Иттифоқ» тайёрлов пунктида пахта қабул қилишнинг аҳволини текширди. Текширувда шу нарса маълум бўлдики, пункт мудири Т. Ҳусанов, классификатор Ҳ. Қодиров, «Ўзбекистон» колхози пахта топширувчиси И. Бектошев ва 9-бригада бошлиғи М. Бекқуловалар ўзаро жиноий алоқа боғлаб, қалбаки товарсиз накладной тузганлар. Унда кўрсатилишича, гўё 7,5 тонна машинада терилган биринчи сорт пахта топширилган эмиш. Прокурор ахборотига мувофиқ Ҳ. Қодиров ва И. Бектошевлар Нарпай район партия комитети бюроси қарорига кўра, КПСС сафидан ўчирилиб, бошқа жиноятчилар билан биргаликда жиноий жавобгарликка тортилдилар.


Пахта йиғим-теримида фаол қатнашаётган кишиларнинг меҳнатини юзага чиқарадиган шахс табелчи ҳисобланади. Лекин ҳамма ерда ҳам шундай бўлмаяпти. Баъзи табелчилар колхозчиларни алдаш йўлига ўтиб олишган. Масалан, Гулистон районидаги К. Маркс номли колхознинг барча бригадаларидаги табелчилар йиғим-терим бошланганидан буён ўз хоҳишларига қараб теримчилардан пахтанинг 50 процентини ифлос деб чегириб қолаверганлар. 3-бригада табелчиси Т. Жўлиев ўз ўғлига 550 килограммдан ортиқ (30 сентябрдан 10 октябргача) пахтани ёзгани ҳолда шу вақт ичида 12 кишининг 1370 килограмм терганлигини қайд қилган. Демак, бировлар терган пахтадан кўп процентини ифлосликка чиқариб юборишнинг сабаби буёқда экан. Бундай кўзбўямачилик бошқа областларнинг хўжаликларида ҳам аниқланди. Риштон районидаги «Правда» колхозининг 3-бригадаси табелчиси Х. Асқаров мунтазам ўз хотинига ва бригадир Салимовнинг хотинига пахта ёзиб келган. Бундай ачинарли аҳволни мазкур райондаги К. Маркс номли колхознинг 3- ва 4- бригадаларида ҳам учратиш мумкин.

Теримчи ва механизаторларга ўз вақтида иш ҳақини тўлаб туриш кишиларни янги меҳнат зафарлари сари отлантириши табиий. Бироқ, Гулистон районидаги «Москва» совхозида, «Главсредазирсовхозстрой»нинг айрим хўжаликларида, Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозининг 2- бригадасида теримчилар ва механизаторларга меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлаб турмаслик ёки кам ҳақ ёзиш ҳоллари учрамоқда.

Пахта йиғим-терими кезларида техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Акс ҳолда бахтсиз ҳодисалар юз бериши мумкин. Баъзи хўжаликларда худди шундай бўлмоқда.


Республика прокуратура органларининг шу долзарб кунлардаги асосий диққат-эътибори пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишда партия, совет ташкилотларига, хўжалик раҳбарларига яқиндан ёрдам беришга қаратилган.

Н. БЎРИХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР прокурори, 2-класс юстиция давлат маслаҳатчиси



Жомбой районидаги «Москва» колхози кўпмингкилограммчи теримчилари хирмонга барака киритмоқдалар. Улар орасида комсомол аъзоси Бибиражаб Аҳмедова байроқдор бўлмоқда. У мавсумда 12 тонна пахта териш мажбуриятини олган эди. Шу кунгача унинг терган «оқ олтин»и 10 тоннага яқинлашиб қолди. Суратда: Б. Аҳмедова.

В. Аҳмедов ва Д. Шчедринский фотоси.



Серқуёш диёримизнинг «оқ олтин» тоғлари сонсиз-саноқсиз... Суратда: Бўка районидаги Ленин номли пахта тайёрлаш пунктидаги кўп ўпар хирмонлар акс эттирилган.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ).

ОРДЕНЛИ КОЛХОЗ ЗАФАРИ

ПОП. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ленин орденли Ленин номли колхоз аъзолари зафар қучдилар. 6242 тонна «оқ олтин» тайёрланиб, йиллик план бажарилди. Ҳар гектар ердан 36 центнердан пахта олинди. Ялпи ҳосилнинг 85 проценти «зангори кема»лар ёрдами билан терилди. А. Эргашева, М. Сулаймонова, Ғ. Каримов, А. Ўтбосаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 40-45 центнерга етказилди.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь Чақириқларидан руҳланган хўжалик аъзолари она-Ватанга яна 1650 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилдилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

Деҳқон бўлсанг ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 1 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар, иккинчи стун—ҳайдалган майдон (гектар ҳисобида); учинчи стун — планнинг бажарилиш проценти

Хоразм	2850	35,6
Тошкент	65249	29,8
Наманган	15203	11,3
Фарғона	11041	8,3
Бухоро	12006	6,5
Қашқадарё	9052	6,3
Андижон	10483	6,0
Самарқанд	11857	5,0
Сурхондарё	6532	4,7
Сирдарё	13000	4,5
ҚҚАССР	1410	2,1
Республика бўйича:	158683	9,3

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 1973 ЙИЛ 7 НОЯБРДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллиги кунида 7 ноябрда соат 10 да В. И. Ленин номли майдонда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради бўлади, у тугагандан кейин эса Тошкент шаҳар меҳнаткашлар вакилларининг умумшаҳар намойиши ўтказилади.

Намойиш соат 11 да бошланади.

Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакиллари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари бўйича ўз йиғилиш пунктларида тўпланадилар ва В. И. Ленин номли майдонга уюшган ҳолда район колоннаси билан белгиланган маршрут бўйича борадилар.

В. И. Ленин номли майдонга таклиф билетлари билан киришни шахсларни қўйиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропускли автомашиналардан ташқари барча турдаги транспорт ҳаракати шаҳарнинг марказий қисми Навоий, Энгельс, Пролетар, Шота Руставели, Ўзбекистон, Ленин проспекти, Карл Маркс кўчаларида соат 7 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиши тугагандан сўнг қайта йўлга қўйилади.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

Журналист ён дафтаридан

ЖАРЛИКДАГИ ФОЖИА

Шу йил 6 ноябрда Украина пойтахти — Киев шаҳрининг немис-фашист босқинчилардан озод қилинганига 30 йил тўлади. Қаҳрамон шаҳар мардларча курашди, фашистларнинг сараланган қўшинларига қирон келтирди. Киевликларнинг жасорати ва матонати тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Бироқ, киевликлар гитлерчиларнинг мудҳиш жиноятларини сира-сира унутмайдилар. Оккупация даврида фашистлар Киевда қарийб 200 минг кишини отиб ўлдирдилар, дорга осдилар, газ камераларида ёндириб юбордилар. Айниқса, Бабий Яр фожиаси кишининг газабини келтиради.

Маълумки, Бабий Яр воқеаси 1941 йилнинг 29 ва 30 сентябрь кунлари содир бўлди. Бу операцияга немислар жуда усталик билан тайёргарлик кўришган эди. Неча ўн минглаб совет кишилари — яҳудийлар ана шу фожианинг қурбони бўлдилар.

Гитлер ўз қўшинлари орқасидан юрадиган махсус зондеркомандалар ташкил этган эди. Шулардан бири — СС 4-а зондеркомандасидир. Бу команда солдат ва офицерлари эсэсчиларнинг қора формасини кийиб юришарди. Уларнинг мақсади жанговар қисмлардан сўнг шаҳар ва қишлоқларни «тозалаб» боришдан ва фронт орқасида хотиржамликни «таъминлашдан иборат эди.

4-а зондеркомандасининг сараланган бўлинмалари 1941 йилнинг сентябрь ойида жанговар қўшинлар кетидан Киевга кириб келди. Шундоққина, осонликча кириб келгани йўқ. Совет қўшинларининг, маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигига, қақшатқич зарбасига учраб, жуда катта талафот кўриб Киевни эгаллади. Ҳа, ўшандай кезларда қўшинларимиз вақтинча чекиниш тўғрисида буйруқ олган эдилар.

Зондеркоманда Киевга кириши биланоқ фронт орқасини «тозалаш»га киришди. Унинг командирлари оберштурмфюрерлар — Янсен билан Хеффнер яҳудий миллатига мансуб кишиларни қириб ташлаш тўғрисида махсус топшириқ олди. Шундай қилиб, 1941 йилнинг 24 сентябрида шаҳар бўйлаб 2 минғта плакат ёпиштирилди. Бу плакатларда яҳудийлар йиғилиш пунктига тўпланишлари шарт эканлиги уқтирилган эди. Айни вақтда фашистлар «яҳудийлар бошқа ёққа кўчирилади, уларнинг ҳаётини хавф остида қолдирмаслик мақсадида шундай қилинянти», деб гап тарқатишди.

Киев шаҳридаги Давлат тарихий музейида сақланаётган ҳужжатларга қараганда, фашистлар яҳудий халқини осонлик билан қўлга тўширишга уриниб кўришган. Хавфсизлик бўйича империя бош бошқармасининг 128 сонли маълумотида айтилишича қараганда, гитлерчилар йиғилиш пунктига 5-6 минг яҳудий келса керак, деб тахмин қилган эдилар. Ҳақиқатда эса, уларнинг бу уйдирма гапларига ишониб, 30 мингдан зиёдроқ яҳудий ўзлари билан бирга энг қимматбаҳо нарсаларини олиб, Бабий Яр йиғилиш пунктига келишди. Шу хусусда зондеркоманда бошлиғи полковник Пауль Блобель кейинчалик бундай деб ёзган эди:

Киевда 1941 йилнинг 29 сентябрь куни эрталабдан 30 сентябрь кечқурунга қадар 33771 киши ўлдирилди. Яҳудийларнинг энг қимматбаҳо буюмлари, олтин ва киймлари тортиб олинди...

1941 йилнинг 30 сентябрь куни кечқурун Бабий Ярга немис салёрлари келишди. Улар қарийб 40 минг яҳудий қулатилган бу жарлик ёқаларига миналар ўрнатиб, портлатиб юборишди. Осмону-фалакка кўтарилган тупроқ, тош, темир-терсак ва бошқа ҳар хил шундоққина одамлар устига тўкилди ва уларни кўмиб юборди. Шундан сўнг текислаб ташлашди. Лекин чалажонлар бир неча кун ер остида қимирлаб ётишган.

Шундан сўнг фашистлар яҳудий миллатига мансуб кишиларни беомон қириб, Бабий Ярга кўмишган. Шунча кишидан фақат бир аёл — Дина Мироновна Проничева омон қолган. Унинг қавм-қариндошларини кўз олдида отиб ташлашган ва Бабий Ярга кўмишган. Сўнгра ўзини ҳам ўликлар билан бирга кўмиб ташлашган. Қандайдир бир мўъжиза рўй бериб, Дина Мироновна тирик қолган ва бир амаллаб, тупроқ остидан чиқиб, жонини сақлаб қолган. Билмадик, бу аёл ҳозир тирикми, йўқми, лекин унинг мана бу гаплари ҳамон қулоғимиз остида жаранглайди:

— Яҳудийларга «ғамхўрлик» тўғрисидаги плакатларни ўқигинимда, тўғрисини айтсам, немисларга ишондим ва мен ҳам ўн мингларча кишилар билан бирга йиғилиш пунктига йўл олдим. Йўлйўлакай шу нарса аён бўлдики, гитлерчилар яҳудийларни Бабий Яр тарафга ҳайдаб боришар, таёқлар билан уриб, имиллаётганларни елкасидан итаришар, ҳатто итларини қўйворишган эди. Чарчаб қолган одамларни итлар келиб талашарди. Бабий Яр жарлигига яқинлашгач, ҳаммани ечинишга мажбур қилишди. Яҳудийлар қип-яланғоч ечинишгач, фашистлар уларни жарликка итара бошлашди, унамаганларни автоматлардан отишди...

Бабий Яр фожиаси ана шундай тугаган. У ерда ҳозир ҳам неча ўн минглаб кишиларнинг жасадлари ётибди. Бу жонсиз организмлар фашизмга лаънатлар ўқиётгандек туюлади.

Немисларнинг 6-армияси кетидан қароқчилик қилиб юрган 4-а зондеркомандаси биргина 1942 йилда Украинада 80 минг совет кишиларини бегуноҳ қурбон қилди. Бу ёвузликни, айниқса Бабий Яр фожиасини инсоният бир умрга унутмайди.

Бабий Яр фожиаси тўғрисида Киевдаги давлат музейида сақланаётган ҳужжатлардан бирида ёзилган воқеалар ҳақида қисқача гапирдик, холос. Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар тўғрисида музейда ҳужжатлар жуда кўп. Киев фашистлардан озод қилинган кунининг 30 йиллиги олдидан совет кишилари ана шу ҳужжатларга тағин бир бор кўз югиртириб, Бабий Яр фожиасини эслаб, бутун дунёда тинчлик ҳақида, тинчликни сақлаб қолиш тўғрисида янада кўпроқ ўйлашяпти, куч-ғайрат сарфлашяпти.

С. ҚОДИРОВ.



Надежда Артюхова Олмалиқ химия заводининг аммофос ишлаб чиқариш технологик жараёнини яхши тушунадиган ишчилардан. У корхонанинг баракали маҳсулот ишлаб чиқаришида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори Н. Артюховадан кўпчилик миннатдор. Суратда: Надежда иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

ҲОДИСА

МАНА ЭНДИ ИСИНИНГ

Чилонзорнинг Бегхат кўчасида истиқомат қилувчи Николай Попов, қўшниси Владимир Гарипов билан балиқ овлаш учун Сирдарёга қараб йўл олдилар. Қармоғу тўрларини ишга солган балиқчилар тун ярмидан ўтганда дидирақ, исиниш йўлини қидирдилар.

— Ўтин топиб, машъала қилайлик, ҳам исинамиз, ҳам қармоққа балиқ келади, — деди балиқчилардан бири.

— Яқшиси станцияга борақолайлик, қармоқларимизни бўри ейдими! — деди иккинчиси.

Қўшнилар «Меҳнат» станциясига етиб келганда, соат тунги 3 бўлган эди. Шу вақт станцияга 2047-юк поезди келиб тўхтади.

Овчилар узундан-узоққа чўзилган вагонлар бўйлаб биқиниб юриб, ўтин қидиришарди. Попов ва Гарипов вагон ғилдираклари устига ўрнатилган, мой шимдирилган махсус кигизларни кўриб қолишди.

— Мана, алангабоп кигиз топдик, — дейишди улар қувонишиб. Улар вагоннинг ғилдиракларидаги мой кигизларни гумдон қилдилар. Қўшнилар кигизни ёқиб исиниверсинлар. Энди поезд билан бўлган воқеани эшитинг.

Соатига 80 километр йўл босиб, ғилдираклари мойланмай келаётган вагонлардан бири Олмазор станциясида қизиб кетди. Ишқаланиш натижасида вагонлардан чиққан тутун поезд ҳайдовчиларни хавфга солди. Тутун чиқаётган вагон составдан ажратилиб, поезд яна маршрут бўйлаб йўл олди ва Янгийўлга етганда иккинчи марта тўхташга мажбур бўлди. Бу сафар ғилдираги қизиб кетган иккинчи вагондан тутун чиқарди. Бу вақтда «Меҳнат» станциясининг назоратчи — мастери Тоштемиров ва Янгийўл станциясининг милиция ходимлари исинаётган жиноятчиларни қўлга туширган эдилар.

Уйламай исинган Попов ва Гариповлар қилмишлари учун суд олдида жавоб берадилар.

Р. ИСҲОҚОВ.

СПОРТ янгиликлари

БУГУН — ТАКРОРИЙ ЎЙИН

Тошкентнинг «Бинокор» хоккей командаси мамлакат чемпионати «А» класси шарқий зонасининг ғолиби бўлиб олди. Тошкентлик хоккейчилар тўрт учрашувни ғалаба билан якунлашди. Нижний-Тагилнинг «Спутник» командасини биринчи учрашувда 5:2 ва такрорий ўйинда 2:1 ҳисобида ютган тошкентликлар кеча Қарағанданинг «Строитель» командаси билан дастлабки ўйин ўтказадилар. Бугун такрорий учрашув бўлади.

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ

Ўзбекистон командалари футбол чемпионати мусобақалари тугамоқда. Тўртинчи турда Навоийнинг «Сугдиёна» командаси марғилонлик меҳнатчиларни 2:1 ҳисобида ютди. «Старт» — «Мотор» ўйини 0:3, «Трактор» — «Строитель» учрашуви 0:5 ҳисобида тугади. «Сугдиёна» командаси етти очко билан олдинда бормоқда. Бугун Навоийнинг «Сугдиёна» командаси билан Самарқандниг «Строитель» коллективи футболчилари ҳал қилувчи учрашувни ўтказадилар. Бу ўйин Ўзбекистон чемпиони қайси команда бўлишини аниқлаб беради.

Ф. Ф. ДЕТЕНГОФ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Федор Федорович **Детенгоф** 76 ёшида шу йил 31 октябрда узоқ давом этмаган касалликдан сўнг вафот этди. Медицина жамоатчилиги, совет психиатрияси оғир жудоликка учради — Ўзбекистон психиатрлари мактабининг асосчиси орамиздан кетди.

1920 йилда Москва Давлат университетининг медицина факультетини тамомлаганидан сўнг Ф. Ф. Детенгоф врач, ассистент, кейинчалик Москва шаҳридаги турли психиатрия муассасаларида доцент бўлиб ишлади. 1940 йил, докторлик диссертациясини ҳимоя қилганидан сўнг Ф. Ф. Детенгоф Тошкент Давлат медицина институтининг психиатрия кафедрасига бошчилик қилди, кўплаб мутахассислар, илмий ходимлар тайёрлади.

Ф. Ф. Детенгоф — юздан зиёд илмий мақолалар, шу жумладан учта монографиянинг муаллифи. Унинг илмий ишлари кенг тарқалиб, илмий ва врачлик жамоатчилигининг юқори таҳсинига сазовор бўлди.

Ф. Ф. Детенгоф ўзининг кўп қирралн илмий ва амалий фаолиятини жамоатчилик иши билан қўшиб олиб борди. У кўп йиллар давомида республика бош психиатри, Ўзбекистон невропатологлари ва психиатрлари жамиятининг раиси, медицина журнали редакцион кенгашининг аъзоси бўлиб келди.

Ватан олимининг хизматини юқори баҳолади. Ф. Ф. Детенгоф Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва медаллар билан мукофотланди.

Катта билим эгаси бўлган олим, инсонпарвар клиницист, ажойиб педагогининг ёрқин хотираси унинг шогирдлари, уни билган ва биргаликда ишлаганлар қалбида ҳамиша сақланади.

Бир гуруппа ўртоқлари.

Шифокор маслаҳати

ОЛТИН ҲАЛҚА

Тирик тананинг ҳар бир аъзоси яхлит занжирнинг бир ҳалқаси ҳисобланса, юрак билан буйрак иш фаолияти жиҳатидан ана шу занжирнинг олтин ҳалқачаларидир. Юрак қонни ҳаракатга келтирса, буйрак уни турли заҳарли моддалардан тозалайди. Шу сабабли юраксиз ҳаёт бўлмаганидек, буйраксиз ҳаётни ҳам тасаввур этиш мумкин эмас.

Олимлар қадим замонлардан буён буйрак билан қизиқиб келадилар. Унинг ишлаш жараёнини мукаммал ўрганиш, ўз вазифасини қанчалик аниқ бажараётганини тадқиқ этиш азалдан шифокорларнинг диққат-марказида. Бу ишлар буйракдаги бутун дардларга даво излаб топишга хизмат қилмоқда. Ана шу тадқиқотчилар қаторига Абу Али ибн Сино, Хўжа Копили, Кананелли, Фотий Николаев, Гибентал, Дмитрий Михеевларни қўшиш мумкин. Улар буйрак-тош касаллигини даволашга алоҳида эътибор билан қараб, медицинанинг бу соҳадаги тараққиётига муҳим ҳисса қўшдилар.

Қадимданоқ шифокорларнинг буйрак-тош касаллиги билан кўпроқ шуғулланишлари бежиз эмас. Ҳисоб-китобларга қаратганда, у суюқлик чиқарув йўллари касалликлари орасида энг кўп учрайдиган дардидир. Айниқса, мамлакатимизнинг табиати иссиқ, сув кўп истеъмол қилинадиган Закавказье, Ўрта Осиё республикалари ҳамда Волга бўйида у билан оғриган ҳоллари кўпроқ учраб туради.

Буйрак-тош касаллигининг келиб чиқишида ташқи ва ички муҳит катта роль ўйнайди. Уни одам организмининг хусусиятлари, ташқи таъсирларга реакцияси билан ҳам боғлаш мумкин. Умуман олганда, буйрак ва суюқлик чиқарув йўлларида тош ҳосил бўлишида организмда модда алмашинувининг бузилиши, суюқлик чиқарув йўлларидаги тўқималардан уэилиб чиққан бўлакчалар ҳамда қон лаҳталари (буйрак жароҳатланганда) асосий роль ўйнайди. Организмнинг кам ҳаракатлилиги, ички секреция безларида етишмовчилик бўлиши ҳам бундай касалликлар туғилишига шароит яратади. Болаларни нотўғри овқатлантириш, қўй ёғини ҳаддан зиёд шимдириш ҳам модда алмашинишининг бузилиши, оқибатда тош ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин.

Буйрак-тош касаллигини даволашда унинг ўзига хос аломатларини яхши билиш, тўғрироғи, уни қорин бўшлиғида учрайдиган бошқа касалликлардан ажрата билиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Киши бу дардга чалинганда қаттиқ оғриқ тутади. Оғриқ биқинидан бошланиб, пастга, яъни суюқлик чиқариш йўли томон давом этади. Бемор ниҳоятда безовталанади. Тез-тез эшикка чиқади, кўнгли айниб қусиши ҳам мумкин. Агар тошнинг ҳажми катта бўлса санчиқсимон оғриқ беради. Буйрак ишлаб чиқарган суюқликда ўзгариш юз бериши, унда йирингли моддалар ҳамда қизил қон таначаларининг пайдо бўлиши ҳам ана шу касалликдан дарак беради.

Совет медицинасининг юксак суръатлар билан тараққий этаётганлиги натижасида буйрак-тош касаллигини даволаш масаласи муваффақиятли ҳал этилмоқда. Энг замонавий медицина асбоб-ускуналари яратилянти ва ишлаб чиқарилянти. Ҳозир буйрак тошини аниқлашда рентген нуридан кенг фойдаланилаётир. Нур ёрдамида организмдаги тошларни аниқлабгина қолмай, балки суюқлик чиқарув йўлларидаги анатомик ўзгаришларни ва касаллик туфайли шу аъзоларга қанчалик зарар етганини ҳам билиш мумкин бўлиб қолди. Буйракда ҳосил бўлган тошнинг қовуққа тушиши ёки қовуқнинг ўзида ҳам тош ҳосил бўлиш ҳодисалари учраб туради.

Буйракда ҳосил бўладиган тошлар хилма-хил. Уларни урат, оксалат, фосфат ва карбонат тошлари деб аталади. Бу тошларнинг химиявий тузилишини билиш уни йўқотиш учун йўлланма беради. Дори танлашда ҳам тошнинг намалардан таркиб топганлиги ҳисобга олинади. Кейинги вақтда бундай касалликни даволашда қум ва майда тошларни ҳайдаш, парчалаш, оғриқни қолдириш, дардга чалинган аъзони дизенфекция қилишга хизмат этадиган янги кучли дори-дармонлар қўлланилмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган артезол, Чехословакиянинг цистинал, Германия Демократик Республикаси препаратлари ана шулар жумласига киради.

Буйрак-тош касаллигини даволашда оммавий дори-дармонлар билан бирга минерал сувлардан ҳам фойдаланиш мумкин. У тошни эритиб юбормаса ҳам қум ва майда тошларни ювиб юбориши мумкин. Бундай дард билан оғриган беморлар учун Ессентуки, Железноводск, Трусковец, Баржом каби курортларда даволаниш фойдалидир. Тошкент маъдан суви ҳам буйрак-тош касаллигига фойда бериши мумкин. Бундан ташқари қаттиқ оғриётган жойга грелка қўйиш, иссиқ ваннага тушиш тавсия этилади. Дори-дармонлар ёрдам бермаган ҳолларда тошни операция йўли билан олиб ташлаш кенг қўлланилмоқда.

Буйрак-тош касаллигининг олдини олиш учун биринчи галда танада модда алмашинувининг бузилишига йўл қўймаслик лозим. Марказий асаб системасининг фаолиятини сақлаш, спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан сақланиш унинг энг биринчи ва муҳим шартидир. Тузларнинг ортиқча ҳосил бўлмаслиги учун овқатланиш ва кундалик турмушда маълум режимга риоя қилиш керак. Саломатлик — ўзимизнинг қўлимизда. Ўзини яхши парвариш қилган, вақтида ишлаб, вақтида дам олган киши дарддан йироқ бўлади.

С. УМАРОВ,
медицина фанлари кандидати.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — «Ёшлик». 19.15 — Ахборот. 19.30 — Концерт. 20.00 — Фан — қишлоқ хўжалигига. 20.30 — Ўн минут мусиқа. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Пахтакорлар байрами олдини вахтасида. 21.15 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. Репортаж. 22.50 — Мақсуд Шайхзоданинг адабий портрети. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. Кўғирчоқ фильм. 11.50 — Бадиий фильм. 18.25 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Сиҳат-саломатлик». 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Пойтахт янгиликлари. 19.15 — «Беш йиллик маршрутлари бўйлаб». 19.35 — Фильм-концерт. 20.05 — Мусобақа якунлари. 20.30 — Оқибат (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/XI да Марварид изловчилар, 2/XI да Флория Тоска, 3/XI да Жизель (примьера).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/XI да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/XI да Ҳалима, 2/XI да Севишганлар хиёбони, 3/XI да Ужарлар.

КИНО

Оддий кийимдаги киши — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Угай она — «ЧАПКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Телбалар ҳафтаси — НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Санников ери — «МОСКВА» (жуфт соатларда), «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги — Г. ГУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун), Ҳалокатли хато — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Синов — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Решма ва Шера — «МОСКВА» (тоқ соатларда).

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

2/XI да — ФЛОРИЯ ТОСКА.
3/XI да ЖИЗЕЛЬ.
4/XI да — ЖИЗЕЛЬ (кундузги). СЕВГИ ТУМОРИ (кечқурун).
5/XI да — Бир актли балетлар. «КАРМЕН-СЮИТА», «ОЙИМҚИЗ ВА БЕЗОРИ».
6/XI да — РУС КИШИЛАРИ.
7/XI да — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (кундуз соат 1 да). Бир актли балетлар (кеч соат 7 да).
8/XI да — ЗОЛУШКА (кундузги), «ДИЛОРОМ» (кечқурун).
Кундузги (спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар кеч соат 7 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

3 НОЯБРДА

Эллик олтинчи мавсум очилади

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

3/XI да — БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ.
4/XI да — АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ.
6/XI да — ИНҚИЛОБ ТОНГИ (Бухоро).
7/XI да — ТАБАССУМ ЎҒРИЛАРИ (кундуз соат 11 да). АЯЖОНЛАРИМ (кундуз соат 3 да). ОЛТИН ДЕВОР (кеч соат 7 яримда).
8/XI да — ПАРВОНА (кундуз соат 11 ва 3 да), АЯЖОНЛАРИМ (кеч соат 7 яримда).
9/XI да — ТАРИХ ТИЛГА КИРДИ (кундуз соат 12 да). ОЙ ТУТИЛГАН ТУНДА (кечқурун).
10/XI да — АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ.
11/XI да — ҚОНЛИ САРОЙ.
Спектакллар кеч соат 7 яримда бошланади.
Билетлар сотилмоқда.
Касса эрталаб соат 10 дан очиқ.

Узбек Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ
5 ноябрь кеч соат 8 да «Лазги» вокал хореографик ансамбли ва ёш хонанда Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ иштирокида.
6 ноябрь кеч соат 7 да 7 ноябрь кундуз соат 3 да кеч 7 да
Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Комилжон ОТАНИЕЗОВ ва ёш хонанда Ортиқ ОТАЖОНОВ иштирокида.
7 ноябрда «БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
8 ноябрда Свердлов номли концерт залида
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон ҲАЙИТОВА ва лирик хонанда Фахриддин УМАРОВ иштирокида.
Билетлар концерт зали кассаларида сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Марксизм-ленинизм кафедрасига марксча-ленинча фалсафа (доцент, катта ўқитувчи), сиёсий иқтисод (катта ўқитувчи), КПСС тарихи ёки СССР тарихи (ўқитувчи);
музика назарияси (катта ўқитувчи);
торли асбоблар (катта ўқитувчи, альт классига);
камер куйлари (доцент);
концертмейстерлик маҳорати (доцент);
якка ашула (профессор).
КОНКУРС МУДДАТИ — 26 НОЯБРГАЧА.
АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 31-уй (телефон 33-52-74) га юборилсин.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР ВА СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ УТАБ ҚАЙТГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Кирувчилар камида бир йиллик ишлаб чиқариш стажига эга бўлишлари керак ва корхоналар, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, совхозлар, колхозлар, ҳарбий қисм қўмондонлигидан йўлланма билан келишлари зарур.
Йўлланма билан келганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат (асли), характеристика, бош кийимсиз 3х4 см. ҳажмда тушилган 6 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, меҳнат ёки колхоз дафтарчаси.
Тингловчилар стипендия билан таъминланадилар.
Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.
ҲУЖЖАТЛАР — 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:
Ўқиш муддати — 8 ой.
Машғулотлар — 1 декабрдан бошланади.
Ҳужжатлар қуйидаги адресларга топширилсин:
Тошкент шаҳри, 700045, Оборонная кўчаси, 1-уй;
Ашхобод шаҳри, Камина кўчаси, 68-уй, институт филиали;
Олмаота шаҳри, Шевченко кўчаси, 97-уй, институт филиали.

«Совет Ўзбекистони» газетаси коллективи, Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правлениеси, Совет Ўзбекистони редакциясининг собиқ ходими, СССР журналистлар Союзининг аъзоси, «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакторининг ўринбосари Ф. Усмонова умр йўлдоши, кенса коммунист
Шамсутдин УСМОНОВнинг
вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ва умумий педагогика кафедрасининг коллективи шу кафедранинг доценти, педагогика фанлари кандидати А. Ю. Юнусхўжаевга ўғли
Сайдулла Абдураҳимович ЮНУСХЎЖАЕВнинг
вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР
Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Б. — 258. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Р. 03805.